ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШИМБЕТОВ МАРДОНБЕК РЕЙИМБОЕВИЧ

МЕТРИК ГРАФЛАРДА ТЎЛҚИН ТЕНГЛАМАЛАРИ УЧУН ФОКАСНИНГ УМУМЛАШГАН АЛМАШТИРИШ УСУЛИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

УДК: 517.953

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШИМБЕТОВ МАРДОНБЕК РЕЙИМБОЕВИЧ

МЕТРИК ГРАФЛАРДА ТЎЛҚИН ТЕНГЛАМАЛАРИ УЧУН ФОКАСНИНГ УМУМЛАШГАН АЛМАШТИРИШ УСУЛИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/FM193 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Худойберганов Гулмирза** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Рахматуллаев Музаффар Мухаммаджанович физика-математика фанлари доктори (DSc)
Етакчи ташкилот:	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2021 йил «19» 04 куни тарқатилди.
(2021 йил «19» 04 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси масалаларига келтирилади. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалалар ва комплекс ўзгарувчили функциялар назариясига асосланган метрик графлардаги масалалар биофизика, биотехнология, тиббиёт ҳамда ишлаб чиқариш каби соҳаларнинг тадқиқот объектидир. Тармоқланган структураларда квант физикаси ва тўлқин жараёнларини моделлаштиришда метрик графларда аниқланган иссиқлик тарқалиш ва Шредингер тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли метрик графларда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш замонавий математикада муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда метрик графларда чизиқли ва ночизиқли тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш ва бу ечимларнинг хоссаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Нерв системаларида импульс тарқалиши жараёнини математик моделлаштиришнинг энг самарали усули метрик графда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун махсус бошланғич-чегаравий масалалардан фойдаланилади. Бунда, Фокаснинг умумлашган алмаштириш усулини метрик графларда бошланғич-чегаравий масалаларни ечишга мослаштириш, метрик графларда бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда фундаментал фанлар, жумладан квант механикаси ва физикада тадбиқига эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда метрик графларда эволютцион тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Метрик графларда аниқланган Шредингер тенгламаси ёрдамида квант физикаси жараёнларини таҳлил қилишда салмоқли натижаларга эришилди. «Дифференциал тенглама ва математик физика» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Бу борада метрик графларда бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш, бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш учун Фокас усулини умумлаштириш ва метрик графларда тўлқин тенгламаларини ечиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сон қарори.

4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метрик графларда бошланғич-чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш зарурати ўтган асрнинг 80-йилларнинг охирларида пайдо бўлган. Бунда Чехиялик олимлар П.Экснер ва П.Себалар юлдузсимон очиқ графларда Шредингер тенгламаси учун чегаравий масалалар қаралган ва олинган натижанинг квант заррачасининг тармоқланган соҳада эркин ҳаракатини ўрганишга қўллашган. Бу соҳадаги кейинги натижалар У.Смиланский, П.Кучмент, Р.Шрейдер, А.Кострикин ва уларнинг шогирдлари томонидан 2000-2010 йилларда чоп этилди. Улар томонидан стационар Шредингер тенгламаси учун метрик графларда спектрал ва сочилиш масалалари тадқиқ қилинган. Улар томонидан биринчи маротаба квант граф тушунчаси ишлатила бошлади. П.Экснер ва О.Постлар томонидан ингичка тармоқланган соҳаларда Шредингер оператори тадқиқ қилинган. Соҳа тармоқларининг кўндаланг кесими ўлчови нолга интилгандаги лимит ҳолатида квант графлари ҳосил бўлиши кўрсатилади.

Квант графларида тескари масалалар Ж.Боман, П.Курасов, Н.Герасименколар томонидан ўрганила бошлаган. Асосан улар квант графларида берилганлар сочилиш ҳақидаги маълумотлар ёрдамида графнинг боғланганлиги, учларида чегаравий ва уланиш шартлари билан биргаликда аниқлашган. П.Курасов ва М.Новасзйклар чекли метрик графда Лаплас оператори учун тескари спектрал масала ўрганилган. Умуман олганда, квант графлари етарлича яхши ўрганилган бўлишига қарамасдан, бугунги кунгача соҳанинг етакчи олимлари тадқиқотлар олиб бораётган, актуал соҳалардан бири бўлиб турибди. Бунинг асосий сабаби сифатида, квант графлари нанофизиканинг янги муаммоларини ўрганишдаги асосий восита сифатида хизмат қилишини келтиришимиз мумкин. Метрик графларда Кортевег-де Фриз тенгламаси ва унинг чизиқли қисми, Эйри тенгламаси учун бир нечта масалалар тадқиқ қилинган. Бу соҳада ҳозирда мавжуд илмий натижалар З.А.Собиров, М.И.Аҳмедов, Н.Уескер, Д.Нойа, Д.Магнола, К.Сейферт, М.Кавалькантелар томонидан олинган. А.С.Волкова томонидан метрик графларда эллиптик типдаги тенглама ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун Гарнак тенгсизлигининг аналоги исботланган. А.С.Волкова томонидан иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун оддий юлдузсимон графда аниқланган иссиқлик тарқалиш тенгламасининг умумлашган ечимлари ўрганилган. Қаралаётган масала бир қийматли ечилиши кўрсатилган. Бундан ташқари, чегаравий қийматлар ёрдамида бошқарув масаласи тадқиқ қилинган.

Чегаравий масалаларни ечишнинг Фокас умумлашган алмаштириш усули бугунги кунда янги, ривожланиб келаётган усуллардан биридир. Бу усул А.Фокас, Д.Смит, Ю.Спенс, Б.Пеллони, Д.Бернард, Н.Шейлслар томонидан чекли ва чексиз интерваларда чизиқли ва ночизиқли тенгламалар учун қатор бошланғич ва чегаравий масалалар ечишга қўлланилган. Метрик графда Фокас усули иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун биринчи маротаба Д.Смит ва Н.Шейлслар томонидан юлдузсимон ва кетма-кет уланган, турли ўтказувчанликка эга бўлган кесмалар, айлана ва унинг битта нуқтасида кесмани улашдан ҳосил бўлган графларда бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш учун қўлланилган. Шу билан бирга, графнинг тармоқланиш нуқтаси, яъни ички учида уланиш (Кирхгофф) шартлари физика нуқтаи-назаридан асослаб берилган. Бизгача Фокас усули метрик графларда қаралаётган бошланғич-чегаравий масалалар ечишга бағишланган бошқа илмий ишлар адабиётларда учрамаган. Ушбу диссертация ишида иссиқлик тарқалиш ва Шредингер тенгламалари учун юлдузсимон, дарахтсимон, зинапоясимон ва бошқа типдаги метрик графларда бошланғич-чегаравий масалалар ўрганилган. Бу масалаларни ечишда Фокаснинг умумлашган алмаштириш усули умумий структурали графларга мослаштирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Милий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №14-022RG/MATHS/AS_G;UNESCO FR:324028610 «Мезоскопик физикадан келиб чиқадиган метрик графларда ночизиқли эволютцион тенгламалар ва транспорт масалалар» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метрик графларда тўлқин тенгламалари, хусусан чизиқли иссиқлик тарқалиш, Шредингер тенгламалари учун чегаравий масалаларни қўйиш ва бу масалаларнинг ечимини қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

содда очиқ ва ёпиқ юлдузсимон метрик графларда Шредингер тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг ечимини қуриш ва олинган ечимлар ёрдамида графнинг учида тўлқин динамикасини таҳлил қилиш;

чекли сондаги чекли ва ярим чексиз интерваллардан ташкил топган юлдузсимон метрик графда Шредингер ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалалар ечимини топиш;

текисликда учбурчак ва дарахтсимон графларда тўлқин тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш учун Фокас усулини умумлаштириш;

чекли интервалдан ташкил топган зинапоясимон метрик графда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун ечимнинг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объектини содда очиқ ва ёпиқ юлдузсимон метрик графлар, чекли сондаги чекли ва ярим чексиз интерваллардан ташкил топган юлдузсимон метрик граф, текисликда учбурчак ва дарахтсимон графлар, чекли интервалдан ташкил топган зинапоясимон метрик графлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини иссиқлик тарқалиш тенгламаси, Шредингер тенгламаси, Коши масаласи, бошланғич-чегаравий масалалар, Фокаснинг умумлашган алмаштириш усули, Коши теоремаси, Жордан леммаси, Фурье алмаштириши ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида комплекс анализнинг замонавий усуллари, метрик графлар, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ҳамда бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

содда очиқ ва ёпиқ юлдузсимон метрик графларда Шредингер тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг ечими олинган;

саноқлита чекли ва чексиз интерваллардан ташкил топган метрик графда Шредингер ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг интеграл кўринишдаги ечими олинган;

учбурчак шаклидаги ва дарахтсимон графларда тўлқин тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш учун Фокас усули умумлаштирилган;

чекли интервалдан ташкил топган зинапоясимон метрик графда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тармоқланиш нуқтасида тўлқин тарқалишининг ўтказувчанлик ва қайтиш коэффициентлари ҳисобланган;

молекулаларнинг оссиляцион спектрлари ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги метрик графларда тўлқин тенгламалари учун қаралаётган бошланғич-чегаравий масалалар умумлашган Фурье алмаштириш усулидан, Грин формуласидан, Жордан леммасидан, Коши теоремасидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан метрик графларда иссиқлик тарқалиш ва Шредингер тенгламалари учун тармоқланган соҳаларда тўлқин тарқалишининг оптик хоссаларини текширишда, матрицавий шарларда Пуассон ядроларини қуришда, анизотропик суюқликларда релаксацион жараёнларни таҳлил қилишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан тармоқланиш нуқтасида тўлқин тарқалишининг ўтказувчанлик ва қайтиш коэффициентларини топишда, тармоқланган мезоскопик соҳаларда тўлқин жараёнларини таҳлил қилишда, нерв системаларида импульс тарқалиш жараёнини математик моделлаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метрик графларда тўлқин тенгламалари учун Фокаснинг уммлашган алмаштириш усули бўйича олинган натижалар асосида:

содда метрик графдаги Шредингер тенгламасининг ечимидан №15-198 RG/PHYS/AS_I-FR 3240287086 «Анизотропик суюқликларда релаксацион жараёнларини экспериментал ўрганиш: тебраниш ва йўналиш спектрларини таҳлил қилиш» мавзусидаги халқаро лойиҳасида тармокланиш нуқтасида ўтказувчанлик ва қайтиш коэффициентларини топишда ҳамда тўлқин тарқалишининг оптик хоссаларини текширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 89-03-4483-сон маълумотномаси). Натижада, тармоқланиш нуқтасида сочилиш параметрларини, молекулаларнинг оссиляцион спектрларини ҳисоблаш имконини берган;

метрик графларда иссиқлик тарқалиш ва Шредингер тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг ечимлари махсус кўринишдаги кўп ўзгарувчили вектор функциялар орқали ифодаланиши, интеграл формулаларнинг ядролари комплекс ўзгарувчиларнинг функциясидан иборат бўлишига оид натижалардан №MRU-OT-9/2017 «Кўп ўлчовли комплекс анализ» мавзусидаги амалий лойиҳада матрицавий шарларда голоморф функцияларнинг интеграл ифодасини ҳосил қилишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 89-03-4544-сон маълумотномаси). Натижада, матрицавий шарларда Пуассон ядроларини қуриш, A(z)-аналитик функцияларнинг функционал хоссаларини текшириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бошланғич тушунчалар»** деб номланган биринчи бобида диссертация ишини мазмунини ёритиш ва мавзуни тадқиқ этиш учун зарур бўлган муҳим тушунчалар келтирилган. Шунингдек, диссертация мавзуси доирасидаги тадқиқотлар бошлангунга қадар шу соҳада тадқиқ этилган ишлар ва олинган натижалар шарҳи батафсил келтириб ўтилган.

Диссертациянинг асосий масалалари иккинчи, учинчи ва тўртинчи бобларида тадқиқ қилинган бўлиб, иккинчи боб 3 та, учинчи боб 3 та, тўртинчи боб 3 та параграфга бўлинган. Уларда турли метрик графларда диффузия ва дисперсион тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалалар қаралган бўлиб Фокаснинг умумлашган алмаштириш усулини мослаштириш билан аниқ ечимларнинг берилганлар орқали интеграл ифодаси қурилган. Олинган натижалар теоремалар ва леммалар кўринишида шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Очиқ юлдузсимон метрик графларда Коши масалалари учун Фокас усули»** деб номланиб, биз ушбу бобда бир нуқтадан чиқувчи ярим чексиз интерваллар бирлашмаси шаклидаги содда очиқ юлдузсимон метрик графда Шредингер ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалалар қаралган.

Диссертациянинг иккинчи бобининг биринчи параграфида қуйидагича масала қаралган:

Бизга учта ярим тўғри чизиқни граф учи деб аталувчи битта O нуқтада бирлаштиришдан ҳосил бўлган Γ_∞ содда юлдузсимон метрик граф берилган бўлсин. Графнинг боғламларини B_j, $j=1,2,3$ каби белгилаймиз (1-расм). B_j боғламларни $(0,\infty)$ интервалларга мос қўйиб, ҳар бир боғламда координата аниқлаймиз. Бунда граф учи 0 га мос қўйилади. Умумийликка зарар етказмаслик учун x_j ни x деб қабул қиламиз.



1-расм. Содда очиқ юлдузсимон граф.

Графнинг ҳар бир боғламида Шредингер тенгламасини

$$iq_t^{(j)}(x,t) = \sigma q_{xx}^{(j)}(x,t),\ x \in B_j, t > 0, j = 1,2,3 \tag{1}$$

бу ерда $\sigma = -\dfrac{\hbar}{2m}$ ва қуйидагича бошланғич шартлар

$$q^{(j)}(x,0) = q_0^{(j)}(x),\ x \in \overline{B}_j,\ j = 1,2,3, \tag{2}$$

ва уланиш (Кирхкофф) шартлари

$$q^{(1)}(0,t) = q^{(2)}(0,t) = q^{(3)}(0,t), t \geq 0, \tag{3}$$

$$\delta_1^2 q_x^{(1)}(0,t) + \delta_2^2 q_x^{(2)}(0,t) + \delta_3^2 q_x^{(3)}(0,t) = 0, t \geq 0 \tag{4}$$

ни қаноатлантируви $q^{(j)}\left(x,t\right)$ функциялари топилсин.

Теорема 1. *Агар $q_0^{(j)}(x)$, $\left(0,+\infty\right)$ да узлуксиз, чегараланган функциялар бўлса, у ҳолда (1)-(4) масаланинг ечими қуйидагича топилади:*

$$q_{sh}^{(j)}(x,t) = \frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty} e^{ikx-wt}\hat{q}_0^{(j)}(k)dk - \frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^{(2)}} e^{ikx-wt}\hat{q}_0^{(j)}(-k)dk -$$

$$-\frac{1}{\pi}\int_{\partial D^{(2)}} e^{ikx-wt}\sigma k\tilde{g}_0(w,t)dk,\ j = 1,2,3, \tag{5}$$

бу ерда $k\sigma\tilde{g}_0(w,t) = -\dfrac{1}{\sum_{j=1}^{3}\delta_j^2}\cdot\sum_{j=1}^{3}\delta_j^2\hat{q}_0^{(j)}(-k),\ \hat{q}_0^{(j)}(k) = \int_0^{\infty} e^{-ikx}q_0^{(j)}(x)dx,$

$$D = \left\{k \in \mathbb{C}:\ \mathrm{Re}(-ik^2) < 0\right\} = D^{(2)} \cup D^{(4)},\ D^{(2)} = \left\{k \in \mathbb{C}: \mathrm{Im}\,k > 0, \mathrm{Re}\,k < 0\right\},$$

$$D^{(4)} = \left\{k \in \mathbb{C}: \mathrm{Im}\,k < 0, \mathrm{Re}\,k > 0\right\}.$$

Диссертациянинг иккинчи бобининг иккинчи параграфида иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун юлдузсимон очиқ метрик графнинг (1-расм) ҳар бир боғламида

$$q_t^{(j)}(x,t) = \sigma^2 q_{xx}^{(j)}(x,t),\ x \in B_j, t > 0,\ j = 1,2,3 \tag{6}$$

иссиқлик тарқалиш тенгламаси ва (2) - (4) шартларни қаноатлантирувчи $q^{(j)}\left(x,t\right)$ функциялар топилсин.

Теорема 2. *Берилган бошланғич-чегаравий масаланинг ечими*

$$q^{(j)}(x,t) = \frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty} e^{ikx-wt}\hat{q}_0^{(j)}(k)dk -$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int\limits_{\partial D^+} e^{ikx-wt}\hat{q}_0^{(j)}(-k)dk-\frac{1}{\pi}\int\limits_{\partial D^+} e^{ikx-wt}ik\sigma^2\tilde{g}_0(w,t)dk, \qquad (7)$$

кўринишда бўлади. Бунда

$$ik\sigma^2\tilde{g}_0(w,t)=\frac{1}{\sum\limits_{r=1}^{3}\delta_j^2}\cdot\sum_{j=1}^{3}\delta_j^2\hat{q}_0^{(j)}(k),$$

$$D^{\pm}=\left\{k\in\mathbb{C}^{\pm}:\ \mathrm{Re}\,k^2<0\right\},\mathbb{C}^{+}=\{k\in\mathbb{C}:\mathrm{Im}\,k>0\},\mathbb{C}^{-}=\{k\in\mathbb{C}:\mathrm{Im}\,k<0\}$$

каби аниқланади.

Диссертациянинг иккинчи бобининг учинчи параграфида эса чексиз кесмаларни бир нуқтада бирлаштиришдан ҳосил бўлган метрик графда Шредингер тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масала қаралган. Масаланинг ечимининг интеграл кўринишидаги ифодаси (5) га ўхшаш кўринишда топилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Оддий метрик графларда бошланғич-чегаравий масалалар учун Фокас усули»** деб номланиб, биз ушбу бобда, саноқлита чекли ва чексиз интерваллардан ташкил топган метрик графда Шредингер ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалалар, зинапоясимон метрик графларда иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларни қараб чиқамиз.

Диссертация учинчи бобининг биринчи ва иккинчи параграфларида саноқлита чекли ва чексиз интерваллардан ташкил топган метрик графда Шредингер ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалалар қаралган.

Бизга n та чекли $B_1,B_2,...,B_n$ ва m та ярим чексиз $B_{n+1},B_{n+2},...,B_{n+m}$ тўғри чизиқларни бир нуқтада бирлаштиришдан ҳосил бўлган Γ_3 метрик граф берилган бўлсин (2-расм). Графнинг $B_j,(j=\overline{1,n})$ боғламларини $(0,L_j)$ интервалларга, $B_r,(r=\overline{n+1,n+m})$ боғламларини эса $(0,\infty)$ интервалларга мос қўйиб, ҳар бир боғламда координата аниқлаймиз. Граф учини 0 га мос қўйамиз.

Графнинг ҳар бир боғламида қуйидаги

$$u_t^{(j)}(x,t)=\sigma^2 u_{xx}^{(j)}(x,t),\;\; x\in B_j, t>0, \tag{8}$$

иссиқлик тарқалиш тенгламасининг

$$u^{(j)}(x,0)=u_0^{(j)}(x),\, x\in \overline{B}_j,\, j=\overline{1,n+m}, \tag{9}$$

бошланғич шартларни, графнинг чекли ва чексиз боғламларида

$$u^{(j)}(L_j,t)=h_j(t),\, t\geq 0,\, j=\overline{1,n}, \tag{10}$$

чегаравий ва

$$\lim_{x\to\infty} u^{(r)}(x,t)=0, t\geq 0, r=\overline{n+1,n+m} \tag{11}$$



2-расм.

асимптотик шартларни ҳамда граф учларида

$$u^{(1)}(0,t)=u^{(2)}(0,t)=...=u^{(n+m)}(0,t),\;\; \sum_{j=1}^{n+m}\delta_j^2 u_x^{(j)}(0,t)=0 \tag{12}$$

уланиш (Кирхкофф) шартларини қаноатлантирувчи $u^{(j)}\left(x,t\right)$ ечимлари топилсин.

Теорема 3. *Берилган бошланғич-чегаравий масаланинг ечими*

$$u^{(j)}(x,t)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty} e^{ikx-wt}\widehat{u_0}^{(j)}(k)dk-$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^-} e^{ikx-ikL_j-wt}\frac{\widehat{u_0}^{(j)}(k)-\widehat{u_0}^{(j)}(-k)-2ik\sigma^2\widetilde{g}_0(w,t)}{A_j}dk- \tag{13}$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^+} e^{ikx-wt}\frac{e^{ikL_j}\widehat{u_0}^{(j)}(k)-e^{-ikL_j}\widehat{u_0}^{(j)}(-k)+2ik\sigma^2 h_0^{(j)}(w,t)}{A_j}dk,\, j=\overline{1,n},$$

$$u^{(r)}(x,t)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty} e^{ikx-wt}\widehat{u_0}^{(r)}(k)dk-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^+} e^{ikx-wt}\widehat{u_0}^{(r)}(-k)dk-$$

$$-\frac{1}{\pi}\int_{\partial D^+} e^{ikx-wt}ik\sigma^2\widetilde{g}_0(w,t)dk,\, r=\overline{n+1,n+m}. \tag{14}$$

кўринишда бўлади. Бунда

$$ik\sigma^2\widetilde{g}_0(w,t)=\frac{1}{\sum_{j=1}^{n}\delta_j^2\frac{B_j}{A_j}+\sum_{r=n+1}^{n+m}\delta_r^2}.$$

$$\cdot\left[\sum_{j=1}^{n}\frac{\delta_j^2}{A_j}\left[e^{ikL_j}\hat{u}_0^{(j)}(k)-e^{-ikL_j}\hat{u}_0^{(j)}(-k)+2ik\sigma^2 h_0^{(j)}(w,t)\right]+\sum_{r=n+1}^{n+m}\delta_r^2\hat{u}_0^{(r)}(k)\right],$$

$$A_j=e^{ikL_j}-e^{-ikL_j},\ B_j=e^{ikL_j}+e^{-ikL_j},\qquad \hat{u}_0^{(j)}(k)=\int_{B_j}e^{-ikx}u_0^{(j)}(x)dx,\ j=\overline{1,n+m},$$

$h_0^{(j)}(w,t)=\int_0^t e^{ws}u^{(j)}(L_j,s)ds,\ j=\overline{1,n}$ *каби аниқланади.*

Диссертациянинг учинчи бобининг учинчи параграфида қуйидагича масала қаралган:

Чекли интервалдан ташкил топган зинапоясимон метрик графда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масала қаралган. Бизга зинапоясиман граф берилган бўлсин. Графнинг боғламларини b_j^+, b_j^- $\left(j=\overline{1,n}\right)$ ва b_j^0 $\left(j=\overline{1,n-1}\right)$ каби белгилаймиз ва ҳар бир боғламга $(0,L)$ интервалларни мос қўйамиз. Ҳар бир боғламда координата аниқлаймиз (3-расм).



3-расм. Зинапоясимон метрик граф.

Графнинг ҳар бир боғламида қуйидагича иссиқлик тарқалиш тенгламалари берилган бўлсин:

$$u_t^{(j)}(x,t)=u_{xx}^{(j)}(x,t),\ x\in b_j^+,\ v_t^{(j)}(x,t)=v_{xx}^{(j)}(x,t),\ x\in b_j^-,t>0,j=\overline{1,n}\quad(15)$$

$$y_t^{(j)}(x,t)=y_{xx}^{(j)}(x,t),\ x\in b_j^{(0)},t>0,j=\overline{1,n-1}.\quad(16)$$

Бошланғич шартлар

$$u^{(j)}(x,0)=u_0^{(j)}(x),\ x\in\bar{b}_j^+,\ v^{(j)}(x,0)=v_0^{(j)}(x),\ x\in\bar{b}_j^-,\ j=\overline{1,n},\quad(17)$$

$$y^{(j)}(x,0)=y_0^{(j)}(x),\ x\in\bar{b}_j^{(0)},\ j=\overline{1,n-1},\quad(18)$$

ва чегаравий шартларни

$$u^{(1)}(0,t)=g_0^{(n)}(t),\ v^{(1)}(0,t)=d_0^{(n)}(t),t\ge0,\quad(19)$$

$$u^{(n)}(L,t)=h_0^{(n)}(t),\ v^{(n)}(L,t)=r_0^{(n)}(t),t\ge0.\quad(20)$$

каби аниқлаймиз.

Граф учларида уланиш (Кирхкофф) шартларини қуйидагича аниқлаймиз:

$$u^{(j-1)}\left(L,t\right)=u^{(j)}\left(0,t\right)=y^{(j-1)}\left(0,t\right),\ u_x^{(j-1)}\left(L,t\right)+u_x^{(j)}\left(0,t\right)+y_x^{(j-1)}\left(0,t\right)=0;$$

$$v^{(j-1)}\left(L,t\right)=v^{(j)}\left(0,t\right)=y^{(j-1)}\left(L,t\right),$$

$$v_x^{(j-1)}\left(L,t\right)+v_x^{(j)}\left(0,t\right)+y_x^{(j-1)}\left(L,t\right)=0,\ j=\overline{2,n}. \tag{21}$$

Умумлашган Фурье алмаштириши (ёки Фокас усули) ёрдамида қаралаётган масала графнинг тармоқланиш нуқталаридаги ечимнинг ва унинг ҳосиласининг қийматларига нисбатан чизиқли тенгламалар системасига келтирилади. Бу тенгламалар системаси масаладаги берилганларга нисбатан ягона ечими топилади.

Теорема 4. *Берилган бошланғич-чегаравий масаланинг ечими*

$$u^{(j)}(x,t)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty}e^{ikx-wt}\hat{u}_0^{(j)}(k)dk-$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^-}e^{ikx-ikL-wt}\left(\tilde{h}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{h}_0^{(j)}(w,t)\right)dk-$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^+}e^{ikx-wt}\left(\tilde{g}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{g}_0^{(j)}(w,t)\right)dk,\ j=\overline{1,n}, \tag{22}$$

$$v^{(j)}(x,t)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty}e^{ikx-wt}\hat{v}_0^{(j)}(k)dk-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^-}e^{ikx-ikL-wt}\left(\tilde{r}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{r}_0^{(j)}(w,t)\right)dk-$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^+}e^{ikx-wt}\left(\tilde{d}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{d}_0^{(j)}(w,t)\right)dk,\ j=\overline{1,n}, \tag{23}$$

$$y^{(j)}(x,t)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty}e^{ikx-wt}\hat{y}_0^{(j)}(k)dk-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^-}e^{ikx-ikL-wt}\left(\tilde{l}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{l}_0^{(j)}(w,t)\right)dk-$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^+}e^{ikx-wt}\left(\tilde{q}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{q}_0^{(j)}(w,t)\right)dk,\ j=\overline{1,n-1}, \tag{24}$$

кўринишда бўлади. Бу ерда $\tilde{h}_0^{(j)},\tilde{q}_0^{(j)},\tilde{g}_0^{(j)},\tilde{h}_1^{(j)},\tilde{l}_1^{(j)},\tilde{r}_0^{(j)},\tilde{d}_1^{(j)},\tilde{r}_1^{(j)}$ *лар берилган чегаравий ва бошланғич шартлар ёрдамида аниқланади.*

Диссертациянинг тўртинчи бобида умумийроқ кўринишдаги графларда, айнан учбурчакнинг ҳар бир учида биттадан кесма уланишидан ҳосил бўлган граф, дарахтсимон графларда иссиқлиқ тарқалиш тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масалалар қаралган.

$\Gamma = E \cup V$ – боғламли метрик граф бўлсин, бу ерда $E = \{b_j\}_{j=1}^{n}$ – тўплам графнинг қирралари, $V = \{\nu_j\}_{j=1}^{m}$ – тўплам эса графнинг учлари. Ҳар бир боғламга $(0, L_j), j = \overline{1, n}$ интервалларни мос қўйамиз ва ҳар бир боғламда x_j координата аниқлаймиз.

Агар b_j қирранинг охири ν учдан иборат бўлса, у ҳолда b_j қирра ν уч билан учрашади деймиз ва буни $b_j \sim \nu$ каби белгилаймиз.

$\{b : b \sim \nu, b \in E\}$ тўпламнинг элементлари сонини ν учнинг валентлиги деймиз. Агар учнинг валентлиги 1 га тенг бўлса, у ҳолда уни чегаравий учлари дейилади. $\{\gamma_1, \gamma_2, ..., \gamma_{m_1}\} = \partial\Gamma \subset V$ – графнинг чегаравий учлари тўплами бўлсин. Умумийликка зарар келтирмаслик учун x_j ни x деб қабул қиламиз.



4-расм. Γ *метрик граф*

Графнинг ҳар бир боғламида иссиқлик тенгламаларини қараймиз:

$$u_t^{(j)}(x,t) = u_{xx}^{(j)}(x,t), x \in b_j, t > 0. \tag{25}$$

(25) тенглама бошланғич шартни қаноатлантирсин деб талаб қиламиз:

$$u^{(j)}(x,0) = u_0^{(j)}(x), j = \overline{1, n}. \tag{26}$$

Қирраларини бирлаштирувчи нуқталарда (яъни чегаравий учларда эмас) графнинг ечими қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

а) Барча $u^{(j)}$ функцияларнинг ν учдаги қийматлари $b_j \sim \nu$ уч билан бир хил;

б) Барча $u^{(j)}$ функцияларнинг ҳар бир ν учдаги бир томонли ҳосилалар йиғиндиси $b_j \sim \nu$ учун нолга тенг:

$$\sum_{b_j \sim \nu} \left. \frac{\partial u^{(j)}(x,t)}{\partial x} \right|_{\nu} = 0, \nu \in V \setminus \partial\Gamma, t \in [0, T]. \tag{27}$$

Бу шартлардан биринчиси учдаги ечимнинг узлуксизлиги, иккинчиси эса оқимни сақлаш шарти деб аталади. Бу шартларни яна Кирхкофф шартлари ҳам дейилади.

Графнинг чегаравий учларда қуйидагича

$$u^{(j)}(x,t)|_{\nu} = g_0^{(j)}(t) \text{ агар } x_j = 0 \ \ \nu \text{ учда},$$

$$u^{(j)}(x,t)|_{\nu} = h_0^{(j)}(t), \text{ агар } x_j = L_j \ \ \nu, b_j \sim \nu \text{ учда}. \tag{28}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u^{(j)}(x,t)$ ечимлари топилсин.

Лемма 1. *(25) - (28) масала кўпи билан битта регуляр ечимга эга.*

Ягоналик леммаси энергия интеграллари усули ёрдамида исботланган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфида учбурчакнинг ҳар бир учида биттадан кесма уланишидан ҳосил бўлган графда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун чегаравий масала ечилган (5-расм).



5-расм. Γ_1 *метрик граф*

Теорема 5. Γ_1 *метрик графда қаралган бошланғич-чегаравий масаланинг ечими*

$$u^{(j)}(x,t)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{+\infty}e^{ikx-wt}\hat{u}_0^{(j)}(k)dk-$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^-}e^{ikx-ikL_j-wt}\left(\tilde{h}_1^{(j)}(w,t)+ik\tilde{h}_0^{(j)}(w,t)\right)dk- \tag{29}$$

$$-\frac{1}{2\pi}\int_{\partial D^+}e^{ikx-wt}\left(\tilde{g}_1^{(j)}(w,t)+ik\hat{g}_0^{(j)}(w,t)\right)dk,(j=1,2,...,6),$$

кўринишда бўлади.

Бу ерда $G^{(j)}(k,t)=\hat{u}_0^{(j)}(k)+\left(e^{-ikL_j}-1\right)ik\hat{h}_0^{(j)}(w,t)$, $\hat{g}_0^{(1)}(w,t),\hat{h}_0^{(5)}(w,t),\hat{h}_0^{(6)}(w,t)$ — *маълум функциялар, улар (28) чегаравий шартлар ёрдамида аниқланади.*

$$\tilde{h}_1^{(j)}(w,t)=\frac{1}{A_j}\left(G^{(j)}(k,t)-G^{(j)}(-k,t)\right), \tag{30}$$

$$\tilde{g}_1^{(j)}(w,t)=\frac{1}{A_j}\left(e^{ikL_j}G^{(j)}(k,t)-e^{-ikL_j}G^{(j)}(-k,t)\right), \tag{31}$$

$$\left(\tilde{h}_0^{(1)}(w,t),\tilde{h}_0^{(2)}(w,t),\tilde{h}_0^{(3)}(w,t)\right)^T=\left(M(k)\right)^{-1}\cdot\left(N_1(k)\cdot\widehat{U}_0(k)+N_2(k)\cdot\widehat{U}_0(-k)\right),$$

$$A_j=e^{ikL_j}-e^{-ikL_j},\ B_j=e^{ikL_j}+e^{-ikL_j},\ j=1,2,...,6,$$

$$M(k)=\begin{pmatrix} C_{123} & -2A_1A_3 & -2A_1A_2 \\ -2A_4A_5 & C_{245} & -2A_2A_5 \\ -2A_4A_6 & -2A_3A_6 & C_{346} \end{pmatrix}.$$

Лемма 2. $M(k)$ *матрицанинг детерминанти* $\operatorname{Im} k\neq 0$ *бўлганда нолдан* *фарқли бўлади.*

Тўртинчи бобнинг 3-параграфида дарахтсимон графда бошланғич-чегаравий масала қаралган. Масала ечими Фокас усули ёрдамида берилганлар ва бошланғич шартларга нисбатан аниқланган. Бу ҳисоблашлар юқоридагига ўхшаш бўлгани ва автореферат ҳажми чекланган бўлганлиги сабабли бу ерда келтирмаймиз.

ХУЛОСА

Диссертация иши Фокаснинг умумлашган алмаштириш усули ёрдамида метрик графларда тўлқин тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларни ўрганишга бағишланади.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Очиқ юлдузсимон метрик графларда Шредингер тенгламаси учун масалалар ечимининг интеграл ифодаси топилган. Бунда шундай типдаги масалаларни ечиш учун умумлашган Фокас усули умумлаштирилди.

2. Ёпиқ юлдузсимон метрик графларда Шредингер учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг ечими топилган. Умумлашган Фокас алмаштририш усули ёрдами билан масалаларнинг аниқ ечимлари топилган.

3. Саноқлита чекли ва чексиз интерваллардан ташкил топган метрик графда Шредингер ва иссиқлик тарқалиш тенгламалари учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг аниқ ечимларининг интеграл ифодаси топилади.

4. Цикл ва дарахтсимон графларда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш учун Фокас улули умумлаштирилди.

5. Чекли интерваллардан ташкил топган зинапоясимон метрик графда иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масала қаралган. Ечимнинг ягоналиги исботланган. Ечимнинг мавжудлигини исботлашда алгебраик тенгламалар системасига келтирилган. Бу тенгламалар системасининг ягона ечим мавжудлиги квант графлари учун спектрал назариядан фойдаланиб кўрсатилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЭШИМБЕТОВ МАРДОНБЕК РЕЙИМБАЕВИЧ

МЕТОД УНИФИЦИРОВАННОГО ПРЕОБРАЗОВАНИЯ ФОКАСА ДЛЯ ВОЛНОВЫХ УРАВНЕНИЙ НА МЕТРИЧЕСКИХ ГРАФАХ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/FM193.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (http://www.ziyonet.uz/).

Научный руководитель:	**Худайберганов Гулмирза** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Рахматуллаев Музаффар Мухаммаджанович доктор физико-математических наук (DSc)
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет им. Бердаха.

Защита диссертации состоится «29» апреля 2021 года в 16:00 на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 18). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Автореферат диссертации разослан «19» 04 2021 года.
(протокол рассылки № 2 от «19» 04 2021 года).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

А.Садуллаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные исследования с практическим приложением, проводимые в мире, в основном сосредоточены на теории частный производных дифференциальных уравнений. Начально-краевые задачи для дифференциальных уравнений с частными производными на метрических графах на основе теории функций комплексных переменных являются объектом исследования в таких областях, как биофизика, биотехнология, медицина и производство. При моделировании процессов квантовой физики и волновых процессов в разветвленных структурах важную роль играют начально-краевые задачи для уравнений теплопроводности и Шредингера на метрических графах. Этим обусловливается важность нахождения решений начально-краевых задач для дифференциальных уравнений с частными производными на метрических графах.

Многие известные ученые мира ведут научные исследования над проблемами решения начально-краевых задач для линейных и нелинейных уравнений на метрических графах и исследованием свойств этих решений. Наиболее эффективным методом математического моделирования процесса распространения импульсов в нервных системах является использование специальных начально-краевых задач для уравнения теплопроводности в метрическом графе. При этом особое внимание уделяется адаптации унифицированного метода преобразования Фокаса к решению начально-краевых задач в метрических графах, развитию методов решения начально-краевых задач в метрических графах.

В нашей стране, особенно в последние годы, повышенное внимание уделяется современным тенденциям в фундаментальных науках, в том числе квантовой механике и физике. В частности, в последнее время особое внимание уделяется изучению начально-краевых задач для эволюционных уравнений в метрических графах. Существенные результаты были получены при анализе процессов квантовой физики с использованием уравнения Шредингера, определенного в метрических графах. Основными задачами и направлениями деятельности математической науки являются проведение исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Дифференциальные уравнения и математическая физика».[2] В связи с этим важно решить начально-краевые задачи в метрических графах, обобщить метод Фокуса для решения начально-краевых задач и разработать методы решения волновых и диффузионных уравнений на метрических графах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «Об организации вновь созданных научно-исследовательских институтов Академии наук Республики Узбекистан».

развитию Республики Узбекистан», в постановлениях № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И.Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

